

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИФАТЛАРИ**

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИФАТЛАРИ

РЕЖА:

1. Укитувчи-устознинг асосий вазифалари: таълим бериш, укувчиларни хар томонлама камол топтириш, тарбиялаш.
2. Укитувчи-устознинг илмий-методик изланиши.
3. Бошлангич синф укитувчиси махоратининг шаклланишининг асосий боскичлари.
(Илгор педагогик тажрибаларни урганиш).

УКИТУВЧИ - УСТОЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ: ТАЪЛИМ БЕРИШ, УКУВЧИЛАРНИ ХАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПТИРИШ, ТАРБИЯЛАШ.

Ўзбекистон мустакилликка эришгач халк таълими соҳасига жуда катта эътибор берилди. Чунки келажакимиз пойдевори булган ёшларни тарбиялаш устоз-укитувчиларини кулидадир. Республикамиз ҳукумати халк таълими соҳасида куяётган вазифаларни бажариш куп жихатдан укитувчига боглик. Янги иктисодий сиёсатга укиш шароитида таълим-тарбиядан кузда тутилаётган максадларга эришиш, укитувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимили, одобли, этикодли, меҳнатсевар, баркамол инсон килиб устириш укитувчи зиммасига юклатилган.

Укитувчи хакида хар канча гапирсак, уни хар канча мадх этсак-да оз. Негаки илк бора кулимизга калам тутказиб, алифбодан сабок берган хам ана шу улуг зотдир. Укитувчи укувчига нафакат таълим беради, уни камол топтириш учун кулидан келган барча ишларни килади, тарбияни хам дарс мобайнида тенг олиб боради.

Укитувчининг куёшга ухшатиш мумкин. Чунки устозлар хам куёш сингари уз зиёси билан барчани ва бутун коинотни мунаввар этади, хаммани калбида илм чирогини ёкади.

Укитувчи-устозни вазифасини куйидаги турт катор шеър оркали тушуниб олиш хам мумкин:

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,
Сизку юракларда илм зиё ёккан.
Олим-ми, шоирми ёки санаткор,
Илк бор сизга томон устоз деб боккан.

Узини фидокорона меҳнати билан ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш сифатини оширишиб катта хисса кушаётган иждокор укитувчилар сони йил сайин ортиб бормокда. Айникса ислохатлар даврида бундай мураббийлар эл-юртга танилмокда.

Укитувчилик касби шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши укитувчи булиш учун педагогика назариясини эгаллашни узигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни укитиш ва тарбиялаш хакида умумий конун-коидалари умумлаштирилган усулларда баён этилади. Укитувчиларни ёш индивидуал хусусиятларини этиборга олиш таъкидланади. Мактаб

хаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма хилдир. Педагогика назарияларига мос келадиган ва келмайдиган вазифалар учраб туради. Бу эса уқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат, ижодкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг умумий таълим мактабида ишлайдиган уқитувчиларига турли талаблар қўйилмоқда.

- педагогик қобилиятга эга, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний кадрятларини, дуневий билимларини муқаммал эгаллаган, маънавий баркамол;
- Ўзбекистоннинг мустақил давлатлигига ва таракқиёти хали юксалишига ишонган, ватанпарварлик бурчини тугри англаган, эътиқодли фуқаро;
- ихтисосга доир билимларни, психологик ва педагогик билим ва маҳоратга муқаммал эга бўлган.

Халқимизда: "Устоз отангдан улуг"- деган гаплар бежиз айтилмаган. Шохми, гадоми, Олими, дехканми ҳамма-хамаси устозлар қулида таълим олади.

УҚИТУВЧИ-УСТОЗНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ИЗЛАНИШЛАРИ.

Бирор касбнинг устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва рухий хислат жо бўлиши зарур.

Уқитувчилик касбини эгаллаш учун аввало болаларни севиш, уларни тушуниш, характерларини билиш зарур. Уқитувчи бу нарсалардан ташқари изланувчан, уз устида ишлайдиган, ижодкор бўлиши керак, чунки уқувчиларга таълимни содда фикрлар орқали етказиш керак.

Уқув материални уқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиши, уқувчиларда мустақил фикрлашга қизиқиш уйғотиш учун, дарсни қандай тушунтиришни ижод қилиб яратади.

Уқитувчи зарур ҳолларда уқув материални узгартириши, қийин нарсаларни осон, мураккаб нарсани оддий қилиб тушунтириши керак. Бунинг учун уқитувчи изланиши қандай усуллардан фойдаланса бўлишини аниқлаб олиши лозим. Дарсни бир хил усулда олиб борилиши болаларни зериктириб қўйиши мумкин. Шунинг учун турли қурғазмали қуроллар, турли уйинлар билан дарс услубини узгартириш керак.

Педагогик фаолият уз моҳиятига қура ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж тугилади. Уқитувчининг фаолияти ана шундайдир.

Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойдир.

Илгор педагогик тажриба деганда биз уқитувчининг уз педагогик вазифасига ижодий ёндашишни, уқувчиларнинг таълим тарбиясида янги самарали йул ва воситаларни қидириб топишни тушунамиз.

Илгор педагогик тажриба уқитувчи томонидан қўлланадиган иш шакли ва усулида, услуб ва воситаларидир. Улар воситасида уқув - тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришади. Илгор педагогик тажрибани урганиш унга асосланиб янги педагогик ходиса ва қонуниятларини очиш уқв тарбия жараёнига яхши, сифатли узгаришлар қиритади, уқувчиларнинг билим

фаолиятини бошқариш янги куринишшидаги укув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб булади. Ижодий ишлайдиган уқитувчи факатгина болаларни мувоффақиятли уқитиш ва тарбиялаш, илгор уқитувчилар иш тажрибаларини урганиш билангина чекланиб қолмай, таджикотчилик қуникма ва малакаларига ҳам эга булиши зарур. Хозирги замон фан ва техника тараккиёти уқитувчининг ижодкор булишини, фаннин муҳим муаммоларини эркин фикирлай олиши, ниҳоят укувчиларни ҳам ижодий фикрлашга ҳам, таджикот ишларига ургата олишини талаб қилади. Шунинг учун уқитувчи аввало таджикотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Уқитувчи илмий таджикот ишларини олиб бориш давомида омилларни туплайди, таҳлил қилади, улар асосида ҳулосалар чиқаради.

Уқитувчи фан ҳулосаларидан узининг амалий фаолиятида фойдаланиши жараёнида, узи турли усуллар ва методлардан фойдаланади.

БОШЛАНГИЧ СИНФ УҚИТУВЧИСИ МАҲОРАТИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ, АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ.

Муффақиятли ишлаш учун ҳар бир уқитувчи педагогик маҳоратга эга булиши зарур. Педагогик маҳоратга эга булиши учун озмехнат сарф қилиб қатта натижага эришади.

Уқитувчилик касбини битирган билан бу соҳада ишлаш осон бўлмайди. Қўп йиллар уқитувчилик қилгани билан маҳоратсиз уқитувчилар ҳам булади. Уқитувчи маҳоратли, уқитувчи номини олиши учун уз устида доимо ишлаши керак. Маҳоратли уқитувчилар дарсини қўзатиб, уз дарсини унга такқослаб ҳулоса чиқариш керак. Бошланғич синфларга дарс беришдан анчагина арқ қилади. Уқитувчи улар учун таҳлид қиладиган идеал, намуна улар нўсха олишга интиладиган ахлоқ соҳиби ҳисобланади. Бошланғич синф уқитувчиси доимо болалар орасида бўлиб, унинг ҳаракатини назорат қилиб боради, уз нутқини қўзатади ва шахсий ҳулқ адоби билан болаларди коллективдаги узро муносабатларини тўғри булишига даъват этади. Бошланғич синф уқитувчиси укувчилар учун қизиқарли ишларни ташкилотчиси ва ижроқиси ролини бажаради, чўнки укувчилар ҳали қўп нарса билмайди. У синфдан ташқари ранг баранг фаолияти жараёнида мектансеварлик, ишда орқада қолувчиларга ёрдамга қела олиши намунасини қўрсатади.

Агар мактабнинг бошланғич синфларида болалар коллективи билан олиб бориладиган барча тарбиявий ишни уқитўчи олиб бўрса, бўшқа синфларга директор бўйрўги билан мазқур синфларда дарс берадиган энг тажрибали педагоглар синф раҳбарлари қилиб тайинланади.

Қобилият фаолияти жараёнида пайдо булади ва ривожланади. Қобилият малақа ва уддабронлик, машқ, уқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истейдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик ҳўсўсият бўлиши ҳам бўлиши зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталувчи рухий ҳўсўсият тараккий этади.

Билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилият-лдиدير. Бўндай қобилиятга эга бўлган уқитувчи фанини укувқўрси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва қўқуррок билади, уз фани соҳасидага

кашфийатларини хамиша кузатиб туради, материални ипидан игнасигача биледи, унга ниҳоятда кихзикади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтира олиш қобилияти-уқув материални уқувчиларига тушунарли қилиб баён эта олиши уқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашда қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Уқитувчи зарур ҳолларда уқув материалнинг узгартила олиши, қийин нарсани тушунтира олиши, тушунарли қилиб уқувчиларга етказа олиши зарур.

Уқитувчи юқорида курсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларига аниқ мақсадни қушлаш, қамтарлик қабилар бўлиши қерак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Бошланғич синфларни уқитишда педагогларнинг олдига қуйилган вазифалари.
2. Уқитувчи ва унинг педагогик фаолиятидаги изланишлари.
3. Маҳоратли педагог бўлиши учун уқитувчиларга қуйиладиган талаблар.
4. Бошланғич синф уқитувчиси бўлишда назарияни эгашшани узи билан ифояланиши зарурми?
5. Бошланғич синфларда уқув материалнинг роли.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Устоз, эътиқод, педагогик фаолият, миллий маданият, тадқиқот.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. А.К. Мунавваров "Педагогика" 1996 йил.
2. "Халқ таълими" журнали 1998 йил.
3. С.П. Баранов, Р.Л. Болотина, В.А. Слостенин. "Педагогика" 1990 йил.
4. Узбек педагогикаси антологияси. 1995 йил.